

815 - сон билан  
рўйхатга олинган

"Асака" банк Бошқарувининг  
2015 йил " 6 " май  
119 -сонли Баённомаси билан  
"ТАСДИҚЛАНГАН"

**“АСАКА” БАНКНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШ  
ВА МЕТОДОЛОГИК ИШЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ  
ДЕПАРТАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

**1. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур “Асака” банкнинг Иқтисодий таҳлил, стратегик ривожланиш ва методологик ишларни мувофиқлаштириш Департаменти тўғрисидаги Низом” (кейинги ўринларда – Низом) Департаментнинг вазифа, функция, ҳуқуқ, мажбурият, жавобгарлиги ва “Асака” банкнинг таркибий бўлинмалари ва филиаллари билан ўзаро муносабатларини ҳамда Департаментнинг иш регламентини белгилаб беради.

1.2. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, «Асака» банк Устави, «Асака» банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари ҳамда мазкур Низом талабларидан келиб чиқиб иш юритади.

1.3. Департамент «Асака» банкнинг (кейинги ўринларда матнда - Банк) таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, бевосита Бошқарув Раисининг мутасадди ўринбосарига бўйсунди.

1.4. Департаментнинг таркибий тузилмаси қуйидагилардан ташкил топган:

- Стратегик ривожланиш, прогноз ва таҳлил қилиш бўлими;
- Филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими;
- Иқтисодий ахборотларни жамлаш сектори;
- Методология ишларини мувофиқлаштириш бошқармаси.

1.5. Департамент ходимлари сони ва штат жадвали Департамент бошлиғининг Банк Бошқаруви Раиси мутасадди ўринбосари билан келишган ҳолдаги билдиришномаси асосида Банк Бошқаруви Раисининг буйруғи билан тасдиқланади.

**2. Асосий вазифа ва функциялари**

Департаментнинг асосий вазифа ва функциялари қуйидагилардан иборат:

2.1. Банк ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятининг молиявий натижаларини режалаштириш ва прогноз қилиш тизими ҳамда тартибини ишлаб чиқиш.

2.2. Стратегиянинг бирламчи йўналишларини белгилаб олиш мақсадида Банкнинг истиқболли ва заиф томонларини аниқлаб олиш мақсадида банк тизими ва иқтисодиёт ривожланишини прогноз қилиш. Стратегияни вазифалар, тадбирлар, ҳаракатлар тарзида аниқлаштириб чиқиш.

2.3. Банкнинг стратегик режасини, бир йиллик бизнес-режасини, тижорат бўлинмаларининг бизнес-режаларини ишлаб чиқиш орқали тижорат ва молиявий режалаштиришни интеграциялаш. Бизнес-режалаштиришнинг бирламчи параметрлари сифатида бозорларни таҳлил қилиш, уларнинг устувор сегментларини ажратиб олиш, аниқ бир йўналишлар учун мақсадлар қўйиш воситасида стратегик режада баён этилган миқдорий жиҳатдан белгиланган молиявий мақсадлар ва стратегик танлов асосида режалаштириш жараёнини ташкил қилиш.

2.4. Салбий оқибатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, Банкнинг фаолиятини янада яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Банк фаолиятининг асосий йўналишларини таҳлил қилишни ташкил этиш ва бу жараёнда қатнашиш. Банк фаолиятининг асосий йўналишларини ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

2.5. Филиалларга фаолият самарадорлигини оширишда, шунингдек Банкнинг рақобат афзалликлари ва имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш учун ишга оид фаолликни кенгайтиришда кўмак бериш;

2.6. Ташкилий тузилмаларнинг мослашувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаш, филиаллар ва Бош офис менежментининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;

2.7. Филиаллар ва мини банклар фаолиятини ташкил этиш, Департамент функциялари доирасида Банкнинг раҳбар органлари томонидан қабул қилинган қарор ва ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш;

2.8. Қуйидагиларни таъминлаш:

- филиаллар фаолиятини ва уларнинг Бош офис таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириб бориш;

- талаб қилинган шакллар асосида ўз вақтида назорат қилувчи органларга ахборот тақдим этилишини таъминлаш (Департамент фаолиятига тааллуқли қисми бўйича);

- жорий йил учун капитал харажатлар сметаси лойиҳасини тайёрлаш;

2.9. Ҳисобот йилидан кейинги йил учун Бош офис ва филиалларнинг бизнес режаларини ишлаб чиқиш;

2.10. Объектив сабаблар мавжуд бўлганда, заруратга қараб, айрим филиалларнинг сўрови билан уларнинг бизнес режаларини таҳрир қилиш;

2.11. Банкнинг молиявий-иқтисодий аҳволи ўзгарадиган бўлса, Банкнинг бизнес режасига ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

2.12. Келгуси йил учун филиалларнинг бизнес режаларини тайёрлаш жараёнида фойдаланиш мақсадида таҳлилий материалларни йиғиш ва ўрганиб чиқиш;

2.13. Банк фаолияти давомида содир бўлиш эҳтимоли бўлган салбий ҳолатларни аниқлашда, таҳлил қилишда, ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан чоралар ишлаб чиқишда қатнашиш;

2.14. Филиаллар ва мини банклар тармоғини кенгайтириш орқали Банкнинг мамлакат ҳудудларида иш олиб бориш самарадорлигини оширишни таъминлаш;